



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 17 октябрь, № 220 (8563)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## УЛКАН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессияси очилиш маросимида қатнашиш учун Самарқандга ташриф буюрди.



**25UNWTO GENERAL ASSEMBLY**  
SAMARKAND | UZBEKISTAN  
16 - 20 OCTOBER 2023

**UNWTO Bosh assambleyasining 25-sessiyasi**

25th session of the UNWTO General Assembly  
الدورة الخامسة والعشرون للجمعية العامة لمنظمة السياحة العالمية  
世界旅游组织全体大会第25届会议

25ème session de l'Assemblée générale de l'OMT  
25-я сессия Генеральной ассамблеи ЮНВТО  
25ª reunión de la Asamblea General de la OMT

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди. Мазкур мажмуа ҳозирги кунда янгидан барпо этиляпти. Бу ердаги қурилиш-пардозлаш ишлари кўздан кечирилди.

Президент Матбуот хизматининг маълум қилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм мажмуаси конгресс марказида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби Зураб Пололикашвилини қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон туризм салоҳиятини ошириш бўйича БМТнинг иқтисодлаштирилган институти билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Туризм тармоғини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорига айланган ЮНВТО билан биргаликда мисли кўрилмаган юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

"Ипак йўлида туризм" брендини кенг ёйиш, жумладан, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимизга туризм йўналишларини оммалаштириш, малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги қўшма саъй-ҳаракатлар юқори баҳоланди.

Мамлакатимизда ЮНВТО Бош ассамблеясининг юбилей сессияси ўтказилиши, унинг доирасида Самарқанд шаҳрида Халқаро туризм академияси ва "Ипак йўли" тематик офисининг очилиши ҳамкорликнинг муҳим амалий натижалари бўлди.

ЮНВТО бош котиби Ўзбекистон Президентига туризм соҳасининг жорий йилги бош халқаро тадбири юксак савияда тайёрланиши ва ташкил этилишига кўрсатилган кўмак учун самимий миннатдорлик билдирди.

Бош ассамблея доирасида туризм соҳасидаги етакчи компаниялар, олий таълим муассасалари ва ташкилотлар иштирокида инвестиция ва таълим форумлари ҳам бўлиб ўтди. Улар якунида мазкур йўналишлар бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан аниқ шартнома ва битимлар имзоланиши кутилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 25-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Бош котиб жаноблари! Ҳурматли делегация раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси 25-сессиясининг очилиш маросимида барчангизни самимий кутлашдан бахтиёрман.

Ташкилотимизнинг юбилей йиғилиши Буюк Ипак йўлининг дурдонаси, Янги Ўзбекистоннинг йирик сайёҳлик маскани бўлган ушбу қадимий шаҳарда ўтказилаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Жаҳон цивилизациялари чорраҳасида жойлашган бу бетакрор шаҳар асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлайдиган, савдо, илм-фан ва маданиятнинг чинакам маркази бўлиб келган. Машҳур Римга тенгдош бўлган ушбу боқий замин улкан салтанатлар пойтахти, улуг аллома ва мутафаккирлар, азиз авлиё зотлар камол топган юрт сифатида бизга ҳаммиса гурур бағишлайди.

"Ер юзининг сайқали" дея шуҳрат қозонган, Шарқнинг икки буюк Уйғонув даври ривожига улкан ҳисса

қўшган Самарқанд бугунги кунда жаҳоннинг замонавий сайёҳлик марказларидан бирига айланиб бормоқда. Нуфузли халқаро тадбиримизнинг айнан бу азим шаҳарда ташкил этилаётгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

Хуш келибсиз кўҳна ва ҳаммиса навқирон Самарқандга, азиз меҳмонлар!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Маълумки, туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истикболли тармоқларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув жараёнида ўзининг мослашувчан ва барқарорлигини намойиш этмоқда.

Ўтган йили дунё миқёсида салкам бир миллиард турист хорижга саёҳат қилди. Бу пандемияга қадар бўлган кўрсаткичнинг салкам 70 фоизини ташкил этди. Жорий йилда ушбу рақам янада ўсиши кутилмоқда.

Кўплаб давлатлар ҳозирги мураккаб вазиятда ўз иқтисодиётини тиклаш ва долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишда туризм соҳасига таянмоқда. Глобал рақобат муҳити кучаймоқда. Бу албатта беҳиж эмас: соҳага киритилаётган ҳар бир доллар келгусида 3-4 баробар даромад

келтиришини барчангиз яхши биласиз. Яратилаётган ҳар бир янги иш ўрни эса бошқа тармоқларда яна 2 та иш жойини ҳосил қилишга имкон беради.

Шу маънода, туризм мамлакатларимизнинг умумий фаровонлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим омилдир, десак, муболаға бўлмайди. Айни пайтда у жаҳон халқлари ўртасида маданий алмашувларни кучайтирадиган, бағрикенглик тамойилларини мустаҳкамлайдиган қудратли воситадир.

Ҳурматли форум қатнашчилари! Биз Ташкилотимизнинг туризмни дунёнинг барча минтақаларида жадал ривожлантириш ва уни жаҳон иқтисодиёти драйверларидан бирига айлантириш йўлидаги фаол саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Унинг соҳадаги янги ёндашувлари, хизматлар сифатини кескин ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлари ҳамда инфратузилма лойиҳаларига катта урғу бераётгани таҳсинга сазовордир.

Айниқса, Ташкилотнинг глобал кун тартибида туризмнинг асосий ўрин эгаллаши, таълим салоҳиятини юксалтириш, камбағалликни қисқартиришда сайёҳлик соҳаси улуғлини ошириш, кўп томонлама шериклик алоқаларини кучайтиришга қаратилган интилишлари барчамизнинг муштарак мақсадларимиз билан уйғундир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Бутунжаҳон туризм ташкилоти Янги Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда ишончли ва узоқ муддатли стратегик ҳамкорига айланди.

Ўтган даврда мамлакатимиз учун хавфсиз туризм бўйича қўшма чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, стартап лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шаҳарларимизда Ташкилотнинг минтақавий анжуманлари ўтказиб келинмоқда.

Яхши хабардорсизлар, биз сўнгги йилларда Ўзбекистонда кенг қўллаб-қувватлашга оид иншоотлар дастурини амалга оширяймиз.

Унда асосий эътиборни демократик жамият институтларини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтиришга қаратмоқдамиз.

Олиб бораётган "очиқ ашиқлар" сиёсатимизда туризм тармоғига устувор аҳамият беряёмиз.

Салкам юзта мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тизимини қўллаяёмиз. Яна 55 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди.

Биз сайёҳлик бизнесининг барча турларини юритиш учун қўлай шарт-шароитларни яратдик. Солиқ ва боғхона имтиёзларини тақдим этдик, кредит ва молиявий ёрдамни кучайтирдик. Янги меҳмонхоналар қуриш ва халқаро брендларни жалб этиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун субсидиялар ажратилмоқда. Шу тўғрисида пандемия чекловларига қарама-қарши, биз икки йил давомида 800 та инфратузилма лойиҳасини амалга оширдик.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПЕКИНГА КЕЛДИ

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга амалий ташриф билан Пекин шаҳрига келди.

"Шоуду" халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини ХХР факуллода вазиятлар вазири Ван Сянси ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмонлар шарафига икки мамлакат давлат байроқлари

кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди. Ташриф доирасида 17-18 октябрь кунлари давлатимиз раҳбари ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Хитой Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши раиси Ван Хунин билан музокаралар, бошқа икки томонлама

учрашувлар ўтказиши режалаштирилган. Ўзбекистон етакчиси "Бир макон, бир йўл" халқаро форумининг очилишида иштирок этади ва ялпи сессиясида нутқ сўзлайди.

ЎзА.

## УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 17-18 октябрь кунлари Пекинда бўлиб ўтадиган "Бир макон, бир йўл" III халқаро форуми тадбирларида иштирок этади.

### Биз ва жаҳон

Нуфузли анжуман "Умумий ривожланиш ва фаровонликка эришиш учун "Бир макон, бир йўл" доирасида юқори сифатли ҳамкорлик" мавзусига бағишланган. Унда очик жаҳон иқтисодиётини ривожланти-

риш учун ўзаро боғлиқликни чуқурлаштириш, "яшил" Ипак йўлини биргаликда қуриш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва иқтисодий ўсишнинг янги драйверлари, тўсиқсиз савдо, халқлар ўртасида-

ги алоқалар, таҳлил марказлари, минтақавий ва денгиз соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади. "Ипак йўли иқтисодий камари" (ИЙИК) ва "XXI аср — Денгиз ипак йўли"ни (ДИЙ) яратиш ташаббуси Хитой Раиси Си Цзиньпин томонидан 2013 йили денгиз ва қитъа мамлакатлари билан интеграция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида илгари сурилган. Кўпроқ иштирокчиларни жалб

қилган ҳолда янги механизмларни амалга оширишга ўтишни тезлаштириш истаги Пекиннинг иккала ташаббусни битта — "Бир макон, бир йўл" (БМБЙ) лойиҳасига бириктиришга ундади.

2014 йилда БМБЙ Хитой раҳбариятининг ташки сибсат курсининг асосий таркибий қисми, деб эълон қилинди ва 2017 йил 24 октябрда бўлиб ўтган XIX курултойда Хитой Коммунистик партияси низомига киритилди.



## Янги Ўзбекистон — Яшил маконда бирга яшайлик!

Ўзбекистон маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакилларининг халқимизга **МУРОЖААТИ**

Азиз ватандошлар! Маълумки, Ер сайёраси — башариятнинг ягона Ватани. Ер — ҳаёт манбаи. Инсон ҳаёти учун нимаики зарур бўлса, барчасини бизга мана шу саховатли замин инъом этади. Афсуски, бугун сувдан, тупроқдан нотўғри фойдаланиш, экологик жихатдан зарарли технологияларни қўллаш оқибатида сайёраимизда иқлим ўзгариб, биохилмаҳиллик йўқолиб бормоқда. Ер юзидagi 8 миллиарддан ортиқ инсониятнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда БМТ минбаридан инсоният ҳаётига таҳдид солаётган **учта инкироз — иқлим ўзгариши, биохилмаҳиллик йўқолиши ва атроф-муҳит**



ифлосланишини бартараф этишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурди.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БУТУНЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 25-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзид туристик инфратузилмани яхшилаш учун 1 миллиард доллардан ортиқ маблағ инвестиция сифатида киритилди. Бугунги анжуманимиз ўтказилаётган "Ипак йўли" сайёҳлик маркази ана шундай йирик лойиҳалардан биридир.

Бундан ташқари, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилди. "Амурсой" қишки курорти, "Афсоналар водийси", "Зомин" ва "Чорвоқ" дам олиш зоналари кўплаб хорижий сайёҳлар эътиборини тортганидан халқаро туризм масканларига айланди.

Анъанавий турмуш тарзи ва ноёб ҳунармандчиликка эга бўлган туризм қишлоқлари ташкил этилмоқда.

Сайёҳлар учун қўлай шароит яратиш мақсадида меҳмонхона ўринлари сони 140 мингга етказилди, 70 та янги сайёҳлик маршрути очилди, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади.

Сайёҳлик соҳасида профессионал кадрларни тайёрлашга катта эътибор берялмиш. Ўзбекистондаги 35 та олий таълим муассасасида халқаро стандартлар асосида малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Самарқандда "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетида 19 та мамлакатдан келган талабалар тахсил олмақда.

Ўзбекистонга келаётган хорижлик сайёҳлар сони икки баробар кўпайди. Туризм экспортидан тушаётган даромад 4 баробар ўсди. Мисол учун, сайёҳлар сони бу йил Япониядан — 5 баробар, Ҳиндистон ва Италиядан — 3,5 баробар, АКШдан — 2 баробарга орти.

Хисоб-китобларга кўра, жорий йилда мамлакатимизга жами 7 миллион сайёҳ ташриф буюрди. Ушбу кўрсаткичи 2030 йилга бориб 15 миллионга, ички туризм оқимини эса 25 миллионга етказишни режа қилялмиш.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Кенг кўламли ишларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Бутунжаҳон туризм ташкилотининг "энг тез ривожланаётган туризм масканлари" рўйхатида, шунингдек, машҳур "Галлан" ижтимоий тадқиқот марказининг "Сайёҳлик учун энг хавфсиз давлат" рейтингига юқори ўринлари эгаллаб келмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз

АҚШнинг "National Geographic Traveler Awards" рўйхатида "Йил янгилиги" ҳамда "Гастрономик туризм" номинациялари голиби бўлди.

Ўзбекистон ўтган йили "Жаҳон муслмон сайёҳлари индекси"да "энг кучли сайёҳлик йўналиши" сифатида тан олинди.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Биз ўз олимизга жуда катта мақсад ва режаларни кўйганмиз ва бу борада сизлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёرمىз. Жумладан, Туризмни комплекс ривожлантириш бўйича 2030 йилгача бўлган стратегияни ишлаб чиқмоқдамиз.

Бу борадаги асосий йўналиш сифатида замонавий туризм ва транспорт инфратузилмасини яратишга устувор аҳамият қаратамиз.

Тошкент — Самарқанд ва Навоий — Бухоро йўналишлари учун яна 6 та тезуорар поезд олиб келинади, юртимизда 600 километр қўшимча темир йўллар қурилади.

2025 йилдан бошлаб "Тошкент — Хива" тезуорар поезди қатнови йўлга қўйилади, 2026 йилдан эса ушбу йўналиш Нукус шаҳригача узайтирилади.

Шунингдек, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Андижон йўналишларида хусусий шериклик асосида пуллик автоматгастраллар қурилади. Натижда ушбу йўналишларда манзилга етиб бориш вақти 2 баробар қисқаради.

2030 йилга қадар яна 56 та замонавий авиалайнер олиб келимиз ва авиалайнерларда самолётлар сони 100 тага етказамиз. Бундан ташқари, авиақатновлар сони 4 баробар оширилади. Барча аэропортларда "очик осмон" режими жорий қилинади, худудлардаги 6 та йирик аэропорт хусусий шериклик асосида янгиланади.

Шунингдек, катта шаҳар ва сайёҳлар кўп борадиган манзилларда 30 та йирик туризм кластерлари ташкил этилади.

Биз юртимизнинг маданий туризм салоҳиятини оширишга ҳам катта эътибор қаратамиз.

Хозирги вақтда мамлакатимизда 8 мингдан ортиқ маданий мерос объекти мавжуд. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида 200 дан зиёд моддий ва 6 та номоддий объектиларимиз киритилган.

"Қўнра тарих дурдоналари" миллий дастури доирасида туристларни ўзига жалб қиладиган маданий мерос объек-

лари сони 800 тадан 2,5 минггага етказилади, 745 та маданий мерос объекти реставрация қилинади, 20 та меъморий ёдгорликда "очик осмон остидаги музей"лар ташкил этилади.

Зиёрат туризми дастури доирасида саёҳатга келувчилар сонини хозиргидан уч баробар кўпроққа оширамиз. Ана шу эзгу мақсадда табаркур зиёрат масканларининг географияси кенгайтирилиб, уларнинг ягона харитаси яратилмоқда.

Самарқандда улуг мутафаккир бобомиз Имом Бухорий ҳазратлари хотирасига бағишлаб бунёд этилаётган мухташам меъморий мажмуа бу борадаги улкан лойиҳаларимиздан бири бўлишига ишонаман.

Минтақамиз давлатлари билан қўша сайёҳлик йўналишларини яратиш, Марказий Осиёда транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш, жумладан, "Бир тур — бутун минтақа" дастурини амалга ошириш диққатимиз марказида бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, тиббий, экологик, гастрономик, этно, экстремал ва бошқа туризм йўналишларини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларимиз ҳисобидан келгусида камидан 1 миллионга янги иш жойлари яратишни мақсад қилганмиз.

Хурматли форум катнашчилари! Дунё туризм индустриясининг эътиборга молик йирик тадбири — Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси сессиясининг Самарқандда ўтказилиши Марказий Осиё минтақаси учун катта тарихий воқеадир.

Ишончим комилки, ушбу анжуман Ташкилотимизга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унга янги шиддат бағишлашга хизмат қилади.

Алоқаларимиз ҳар томонлама чуқурлаштириш учун қуйидаги тақлифларни билдирмоқчиман.

**Биринчидан**, глобал туризмнинг энг долзарб муаммоси — бу туристларнинг кафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлашдир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган низо ва беқарор вазиятлар соҳа ривожига пандемиядан ҳам кўра кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда.

Минг афсуски, бу жараёнда оқибатда жозибодор ва анъанавий йўналишларда туризм салоҳияти ва сайёҳлар сони кескин пасаймоқда, хавфсиз

туризм учун доимий тусга эга бўлган хатар ва таҳдидлар ортмоқда, уларнинг салбий таъсири қўшни минтақаларга ҳам тобора кенгроқ тарқалмоқда, бутунжаҳон маданий мерос объектилари ва кўна архитектура ёдгорликлари вайрон қилинмоқда ва ҳатто айримлари Ер юзидан йўқ бўлиб кетмоқда.

Бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун барчамиз ҳамжиҳат ва яқдил бўлиб, бор куч ва савий-ҳаракатларимизни бириштиришимиз керак.

Хозирги мураккаб вазиятни инобатга олган ҳолда, халқаро туризм соҳасида мухташам ҳуқуқий асосларни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқишни тақлиф этаман.

**Иккинчидан**, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётган даврда "яшил" туризмни ривожлантириш бўйича халқаро Харакатлар дастурини қабул қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Шунингдек, Ташкилотимизнинг "Яшил" туризмининг жорий этиш бўйича энг яхши шаҳар" номинациясининг таъсис этишни тақлиф қиламиз.

Ташкилот кўмағида яқинда иш бошланган Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ҳамда Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети ҳамкорлигида Глобал "яшил" туризм стартаплари лабораториясини яратмоқчимиз.

Биз энг яхши инновацион ечимларни яратиш мақсадида грант мавлағларини ажратишга тайёرمىз. Барча аъзо давлатлар ва халқаро ташкилотларни ушбу лойиҳага қўшилишга тақлиф этамиз.

**Учинчидан**, имконияти чекланган сайёҳлар учун қўлай шароитларни янада кучайтириш ва инклюзив туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида биз Ташкилотимиз доирасида 2025 йилни "Бутун жаҳон инклюзив туризм йили" деб эълон қилиш ва махсус декларация қабул қилиш ташаббусини илгари сураемиз.

**Тўртинчидан**, Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳузурда Сайёҳлик бўйича тарихий шаҳарлар кенгашини тузиш мақсадида мувофиқдир.

Ушбу платформа маданий мерос объектиларига сайёҳлар оқимини кўпайтириш, тарихий ёдгорликларни асраш бўйича энг илгор тажрибалар билан алмашиш, тавсия ва самарали

ечимларни шакллантириш имконини беради.

Кенгашнинг биринчи йиғилишини қадимий Бухоро шаҳрида ташкил этишга тайёرمىз.

**Бешинчидан**, бугун биз Самарқандда туризм соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ва уларнинг малакасини оширадиган, дунёда ўшаиш йўқ Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Халқаро туризм академиясини очдик.

Ишончим комилки, ушбу Академияда глобал таълим хабиға айланади ва жаҳон туризм саноатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

Келгуси ўқув йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтидорли мутахассислар учун махсус грантларни тақдим этади ва давлатларингиз вакилларини бу дастурда фаол иштирок этишга чақиради.

**Олтинчидан**, Ташкилотимиз билан яқин ҳамкорликда Жаҳон ёшлар туризм саммитини Тошкентда ўтказиш ҳақидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсиз, деган умиддаман.

Аминманки, ушбу форум ёшларимиз учун сайёҳликни ривожлантириш лойиҳалари ҳамда янги гоғларни яратишга муҳим ва фойдали майдонга айланади.

**Еттинчидан**, "Ипак йўли" брендини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Ташкилотнинг махсус халқаро мукофотини таъсис этиш ташаббусини билдиримиз.

Ушбу режани амалга оширишда биз бугун Бутунжаҳон туризм ташкилоти билан ҳамкорликда очган "Ипак йўлида туризм" тематик офиси фаол шуғуллашни мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир масала. Эътиборингизни туризм соҳасининг фаол тарғибчилари — журналистлар, блогерлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қаратмоқчиман.

Ташкилотимиз қўшимча платформалар яратиш орқали бу иқтидорлар ва жонқур ижодкорларнинг катта куч ва салоҳиятини бирлаштиришда фаол роль ўйнаши лозим.

Шу муносабат билан етакчи оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва энг яхши саёҳат блогерларини ўзидан бирлаштирадиган Глобал медиакампусни ташкил этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Бундай медиафорумларни ҳар икки йилда бир марта ташкилот Бош ассамблеясининг навбатдаги сессияла-

ри доирасида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи медиакампусни юртимизда қабул қилишга тайёرمىз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Сизлар анжуман давомида Самарқанднинг қадимий тарихи, бой маданияти, унинг бетакорор гўзаллиги, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўласизлар.

Бу азим шаҳар дунёнинг барча минтақаларидан ташриф буюрадиган миллионлаб сайёҳларни ўзига жалаб этаётган Буюк Ипак йўлининг чинакам жаҳоиридир.

Сиз, азиятлар, Самарқандни "Маданий туризмнинг халқаро пойтахти" деб эълон қилиш ва тегишли декларацияни қабул қилишга доир ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонаман.

Бу юксак мақом асрлар буйи ўз таровати ва беқиёс меросини безавол сақлаб келаётган, бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги билан бутун дунёда шухрат қозонган Самарқанднинг мўстабар номига ҳар томонлама муносиб бўлар эди.

Хурматли дўстлар! Хеч шубҳасиз, бўлиб ўтаётган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси сессиясида қабул қилинадиган ҳужжатлар ва келишувлар глобал туризм индустриясининг жадал ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади.

Бош ассамблея сессияси доирасида ўтказиладиган инвестиция ва таълим форумлари жаҳоннинг барча туроператорлари, олийгоҳлар ва йирик компанияларнинг ўзаро мулоқоти учун самарали майдон бўлишига аминман.

Ушбу форумларда барча худудларимиз ўзларининг бой тарихи ва маданий салоҳиятини, сайёҳлик имкониятларини тўлиқ намойиш қиладиган маданий салоҳияти инвестиция лойиҳалари пакетини тақдим этади.

Бу тадбирларда сизларни фаол иштирок этишга чақираман.

Барчангиз Янги Ўзбекистонни ўзингиз учун кашф этишингизга, ушбу ташриф қалбларингизда унутилмас таассуротлар қолдиришига ишонаман.

Сиз, азиз дўстларимиз учун Ўзбекистон эшикларини ҳамisha очиб ва барчангиз биз учун доимо қадри мяхмонсиз.

Бош ассамблея сессиясининг ишига муваффақият ва омадлар тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

## УЛКАН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ЭЪТИРОФИ

Учрашув якунида юбилей сессиянинг асосий якунларини амалга ошириш учун қўша "Йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Айтиш жоизки, Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеясининг 25-сессияси айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани беҳиз эмас, албатта. Зеро, ушбу муаззам шаҳар дунёнинг маънавият-маърифат маркази сифатида шухрат қозонган. Бу ердан етишиб чиққан олимлар, алломалар Ренессанс тараққиётига тамал тошини қўйишгани ҳам айни ҳақиқат. Қолаверса, бу мамлакатимиздаги очиклик ва эркинлик, улкан сайёҳлик салоҳиятининг ёрқин эътирофи, десак, муболага бўлмайди.

Мазкур йирик анжуманда дунёнинг 140 дан ортиқ давлатларидан вакиллар иштирок этяпти. Улар орасида вазирлар, йирик туристик компаниялар раҳбарлари, ишбилармон доира вакиллари, халқаро экспертлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси тантанали очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Кайд этилганидек, туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқларидан бири. Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ва орта қайтмас ислохотлар доирасида туризм тармоғини ривожлантиришга устувор эътибор қаратилаётди. Кейинги йилларда қарийб юзта мамлакат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш тизими, яна 55 та давлат фуқаролари учун соддалаштирилган электрон виза тартиби жорий этилди.

Қолаверса, сайёҳлик бизнесининг барча турини юритиш учун қўлай муҳит яратилди, солиқ ҳамда боғжона имтиёзлари тақдим этилди, кредит ва молиявий ёрдам кучайтирилди. Меҳмонхона ўринлари сони 140 минггага етказилиб, етмишга янги сайёҳлик маршрути очилди, олтига хусусий авиакомпания фаолияти йўлга қўйилди.

Бундай кенг кўламли ишлар натижасида мамлакатимизга келаётган хорижий сайёҳлар сони икки баробар кўпайди. Туризм экспортидан тушаётган даромад тўрт баробар ўсди. Маълумотларга кўра, жорий йилда мамлакатимизга жами 7 миллион сайёҳ ташриф буюрди. Ушбу кўрсаткични 2030 йилга бориб 15 миллионга, ички туризм оқимини 25 миллионга етказиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Туризмни 2030 йилгача комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилаётган стратегияда замонавий туризм ва транспорт инфратузилмасини яратишга устувор аҳамият қаратилишини қайд этди. Юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган янги автомобиль ҳамда темир йўллар қурилиши, авиатранспорт парки икки баробар кенгайтирилиши, авиақатновлар сони тўрт баробар оширилиши, катта шаҳар ва сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган манзилларда ўттизта йирик туризм кластери ташкил этилиши айтиб ўтилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. "Қўнра тарих дурдоналари" миллий дастури доирасида туристларни ўзига қорлайдиган маданий мерос объектилари сони 800 тадан 2,5 минггага етказилади, 745 та маданий мерос объекти реставрация қилинади, 20 та меъморий ёдгорликда "очик осмон остидаги музей"лар йўлга қўйилади. Зиёрат туризми дастури доирасида саёҳатга келувчилар сони хозиргидан уч баробар кўпроққа оширилиши айни мудидадир. Эътиборлики, Марказий Осиё давлатлари билан қўша сайёҳлик йўналишларини яратиш масалалари доимий диққат марказида бўлиши соҳа тараққиётига хизмат қилади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, туризм йўналишларини ривожлантириш ҳисобидан келгусида камидан 1 миллионга янги иш жойи яратиш режалаштирилган. Анъанав кўра, Президентимиз ЮНВТО Бош ассамблеясининг 25-сессиясида соҳани ривожлантириш бўйича бир қатор тақлифларни илгари сурди.

Хозирги кунда давлатимиз раҳбари глобал туризмнинг энг долзарб муаммоси, бу — туристларнинг кафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлаш эканини айтиб, халқаро туризм соҳасида мухташам ҳуқуқий асосларни кучайтириш мақсадида БМТ доирасида Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқишни тақлиф этди. Иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётган даврда "яшил" туризмни ривожлантириш бўйича халқаро Харакатлар дастурини қабул қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарблиги кўрсатиб ўтилди. Бу борадаги амалий қадамлар сифатида ЮНВТО доирасида "Яшил" туризмнинг жорий этиш бўйича энг яхши шаҳар" номинациясини таъсис этиш, шунингдек, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ҳамда Самарқанддаги "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети ҳамкорлигида Глобал "яшил" туризм стартаплари лабораториясини яратиш госяи ўртага ташланди.

2025 йилни "Бутунжаҳон инклюзив туризм йили" деб эълон қилиш ҳамда махсус декларацияни имзолаш ташаббуси илгари сурилди, бу имконияти чекланган сайёҳлар учун қўлай шароитларни янада кучайтириш билан бирга, инклюзив туризм инфратузилмасини ривожлантириш имконини беради.

Шунингдек, ЮНВТО доирасида тарихий ёдгорликларни асраш бўйича энг илгор тажрибалар билан алмашиш учун платформа — Сайёҳлик бўйича тарихий шаҳарлар кенгашини тузиш мақсадида мувофиқлиги таъкидланди. Ўзбекистон кенгашининг биринчи йиғилишини Бухоро шаҳрида ташкил қилишга тайёрлиги қайд этилди.

Қолаверса, Ўзбекистон раҳбари ёшлар учун сайёҳликни ривожлантириш лойиҳалари ҳамда янги гоғларни яратишда муҳим ва фойдали майдонга айланадиган Жаҳон ёшлар туризми саммитининг навбатдагисини Тошкент шаҳрида ўтказишни тақлиф қилди.

Сессия давомида яна бир қатор ҳаётий гоғя — "Ипак йўли" брендини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун ЮНВТО махсус халқаро мукофотини таъсис этиш, Глобал медиакампусга асос солиш ва унинг форумларини ҳар икки йилда бир марта Бош ассамблея сессиялари доирасида ўтказиш каби ташаббуслар ҳам илгари сурилди. Ўз навбатида, биринчи медиакампусни Ўзбекистонда қабул қилишга тайёрлик билдирилди.

Давлатимиз раҳбари делегатларини Самарқандни "Маданий туризмнинг халқаро пойтахти" деб эълон қилиш ва тегишли декларацияни имзолашга доир ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти Бош ассамблея сессияси муваффақиятли ўтиши ва унда янги натижаларга эришилишини тилади.

Маросимда БМТ БШ котиби Антониу Гутерриш анжуман катнашчиларига видеоурожаат йўллади. Форумда сўз олган Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) БШ котиби Зураб Пололикашвили Бош ассамблеянинг 25-юбилей сессияси Самарқандда юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади ва бунинг учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Самарқанддаги "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм марказида уюштирилган Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти юзгартмаси билан танишди.

Айтиш жоизки, Бутунжаҳон туризм ташкилотининг йиғилиши соҳада ҳали имкониятларни кўпайтириш учун қўлай фурсатдир. Яратилган катта майдон эса ана шу мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Кўргазмада мамлакатимиз 14 худудининг туризм ҳамда инвестициявий салоҳияти намойиш этилган бўлиб, Зомин, Чорвоқ, Чимён каби хушабатли гушаларнинг туристик-рекреацион имкониятлари, туризм қишлоқларининг манзаралари, эво ва экстремал саёҳат манзиллари ҳақида маълумотлар жамланган. Туризм қўшимчаси, "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзбекистон аэропортлари" ва "Ўзбекистон вертолётлари" каби стендлар ташкил қилинган. Шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг туризм салоҳияти, хорижий ҳамкорлар иштирокидаги стартап лойиҳалар ҳам тақдим этилган.

Умуман, кўргазмада жами 2 млрд. долларлик истиқболли лойиҳалар инвесторлар эътиборига ҳавола қилинди.

Давлатимиз раҳбари Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвили билан бирга экспозицияларни кўздан кечирди.

Худудлардаги диққатга сазовор манзиллар атрофида туризм масканлари барпо этиб, қўлайликларни кенгайтириш, инвесторлар билан аниқ лойиҳаларни шакллантириш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурда Самарқандда "Маданий туризмнинг халқаро пойтахти" мақомини бериш тўғрисида декларация ҳамда Халқаро туризм академиясини ташкил этиш тўғрисида битим қабул қилинди.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги А. Абдухалимов ва ЮНВТО бош котиби З. Пололикашвили томонидан имзоланди.

Шу билан Самарқандда бўлиб ўтаётган БМТ тасарруфидаги Бутунжаҳон туризм ташкилоти анжуманининг биринчи куни тадбирлари ниятсизга етди.

ЮНВТОнинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиги Марсело Риччи Бош ассамблеянинг 25-сессияси дастлабки куни якунларига бағишлаб ОАВ вакиллари учун брифинг ўтказди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 20 октябрь кунига қадар давом этадиган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеяси 25-сессияси доирасида глобал инвестиция форуми ҳамда кўргазмаси, халқаро таълим форуми ва бошқа муҳим тадбирлар ўтказилади.

**Абдулазиз Йўлдошев,**  
**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**  
(«Халқ сўзи»).

# УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА



Бугунги кунда БМБЙни изчил тартиб қилиш ташқи сиёсатнинг асосий устувор йўналишларидан бири ва Хитойнинг янги геоиқтисодий стратегиясининг ўзгаги ҳисобланади.

Ташаббуснинг асосий моҳияти Хитой иштинроқда мавжуд минтақавий икки ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари ҳамда тузилмаларини мустаҳкамлаш орқали халқаро ҳамкорлик ва ривожланишнинг янги моделини шакллантириш ва илгари суришдан иборат. Асосий мақсад — Буюк Ипак йўли бўйлаб Марказий Осиё, Жанубий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида транспорт, савдо ва энергетика йўналиши қайтадан яратилди. Шунингдек, глобал эркин савдо режимини қўллаб-қувватлаш, Осиё, Европа ва Африка ўртасидаги чуқур бозор интеграцияси, ресурсларни самарали тақсимлаш, алоқаларни мустаҳкамлаш, мувозанатли ва барқарор ривожланишни таъминлаш каби вазифалар ҳам асосий мақсадлар сирасига кирди.

Умуман олганда, Хитой БМБЙни амалга ошириш жараёнига Осиё, Африка, Латин Америка ва Европанинг 4,4 миллиард аҳолисини (дунё аҳолисининг 65 фоизи) жалб қилмоқчи. Ушбу давлатлар дунё янги ички маҳсулотининг 55 фоизини ва жаҳон энергия захираларининг 75 фоизини ташкил этади. Турли ҳисоб-китобларга кўра бутун лойиҳанинг тахминий қиймати 21 триллион долларга тенг.

Уз ташаббусини амалга ошириш доирасида Пекин ҳамкор мамлакатлар маффаатларини ҳисобга олишга ва иштирокчи дав-

латларнинг миллий ривожланиш стратегиялари билан БМБЙнинг яқин нуқталарини излашга, шерикларга ёрдам беришга қаратилган йирик лойиҳаларни, мамлакатларнинг миллий ва минтақаларо транспорт, энергетика ва IT инфратузилмасини ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашинуви рағбатлантириш ва юқори даражага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

“Бир макон, бир йўл” лойиҳасини молиялаштириш Хитой ташаббуси билан яратилган Осиё инфратузилган мавий инвестициялар банки (ОИИБ) ва давлатга тегишли Ипак йўли жамғармаси (ИИЖ) орқали амалга оширилади. Шунингдек, Хитой тараққиёт банки (ХТБ), Янги тараққиёт банки (ЯТБ), Хитой давлат хорижий валюта администратсияси, Хитой инвестиция корпорацияси ва Хитой Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) ҳам молиялаштиришда иштирок этади. ХХР суверен жамғармаси маблағлари Хитой инвестиция корпорацияси орқали БМБЙ лойиҳаларига ва Валюта назорати давлат бошқармаси орқали мамлакатнинг олтин-валюта захираларига киритилди.

Ун йил давомида Хитой 150 та давлат ва 30 та халқаро ташкилот билан БМБЙ доирасида 200 дан ортиқ ҳамкорлик шартномаларини имзолади, бунинг натижасида Хитойнинг улар билан савдо айланмаси 9,2 трлн. доллардан ошди. БМБЙ ҳомиёлигига Осиё, Европа, Африка ва Латин Америка мамлакатларида 3 мингдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди.

Ташаббуснинг 10 йил давомидаги жами сармоясини 1 трлн. долларга етди. БМБЙ бўйлаб жойлашган мамлакатлардаги Хитой корхоналари 135 дан ортиқ савдо-иқтисодий ҳамкорлик зоналарини яратди, қарийб 40 млн. киши камбағалликдан чиқарилди ва 27 мамлакатда Хитойдаги 11 та банкнинг 71 филиали очилди, улар 2,6 мингта лойиҳага кредит берди.

“Бир макон, бир йўл”нинг биринчи ва иккинчи халқаро форумлари 2017 йил 14-15 май ва 2019 йил 26-27 апрель кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтди. Улар ишида 37 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, 150 давлат ва 90 халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи халқаро форумдаги нутқида мамла-

катимиз “Бир макон, бир йўл” концепциясини аниқ дастурлар билан тўлдиршдан, жумладан, Марказий Осиёда транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юқори даражадаги технологияларни ривожлантиришдан, транспорт ва логистика йўналишларини рағбатлантиришда кенг қамровли ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишдан, Марказий Осиё минтақасини Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғловчи транспорт-логистика йўналишларини комплекс ривожлантириш бўйича ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишдан, Покистон ва Эроннинг Ҳинд океанидаги портларига чиқиш орқали Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Афғонистон темир йўлининг ушбу тармоғига интеграциясини таъминлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон “Ипак йўли иқтисодий макони” орқали интеграциялашган саноат технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этишдан, БМБЙ концепциясига мўъноси қилинган аниқ дастур ва ҳамкорлик лойиҳаларини қабул қилиш мақсадида ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилган манфаатдор эканлиги билдирилди.

Давлатимиз раҳбари “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумида сўзлаган нутқида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, жумладан, Марказий Осиё минтақасининг транзит салоҳиятини юзага чиқариш ва Хитой — Марказий Осиё — Фарбий Осиё иқтисодий йўналиши шакллантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш, “яшил” иқтисодиёт ва “ақли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, Орол денгизи қуриши натижасида вужудга келган зарарли экологик оқибатларни бартараф этиш, инсон салоҳиятини кучайтириш учун мамлакатларимизнинг илмий ва гуманитар салоҳиятидан кенг фойдаланиш, Самарқандда Ипак йўли халқаро туризм ассоциациясини ташкил этиш каби ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари иккинчи форум якунида қабул қилинган “Бир макон, бир йўл” доирасидаги ҳамкорлик: фаровон умумий келажакни шакллантириш” кўшма коммюникесида ҳам ўз ифода-синосини топти. Жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой халқаро автомобиль йўли ва Ўзбекистон — Тожикистон — Хитой халқаро автомобиль йўли тугалланган ёки амалга оширилаётган ўзаро боғлиқлик лойиҳалари рўйхатида киритилди.

Пекин Марказий Осиёда БМБЙни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. БМБЙнинг муваффақиятли урдаланиши, минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзининг географик жойлашуви билан тўлиқ фойдаланиши ва иқтисодий гигантлар — Европа Иттифоқи ҳамда Хитой ўртасидаги транзит артериясида иқтисодий кўприк бўлиши мум-

кин. Марказий Осиё давлатлари географик изоляцияни бартараф этишдан ташқари, даромад манбаларини диверсификация қилиш, янги иқтисодий тармоқларни яратиш ва хомашё экспортга қарамликни камайитириш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” лойиҳасини амалга оширишда, шунингдек, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва унда фаол иштирок этади. Тошкент ва Самарқанддаги Конфуций институтларидан ташқари, 2019 йил май ойида Тошкентда “Буюк Ипак йўли” инновацион маданият маркази очилди. Ўзбекистоннинг БМБЙ дастуридаги иштироки туризм, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашув каби муҳим соҳаларга ҳам таъсир кўрсатади. Хитойлик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилаётган сармоиявий лойиҳалар миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва технологик модернизациялашга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, Хитой Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида биринчи ўринда туради. Масалан, ўтган йил октябрда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми салкам 9 млрд. долларни ташкил этди. Жорий йилда бу рақам 10 млрд. доллардан ошаши кутилмоқда. Ўзбекистон Хитойга ўз товарлари учун йирик ва истикболли бозор ҳамда салоҳиятли сармоиявий шерик сифатида қарайди. Хитойдан тўғридан-тўғри инвестициялар Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб тармоқларига, жумладан, кимё ва нефть-газ саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат ва бошқа соҳаларга киритилмоқда. Мамлакатимизда йирик сармоиявий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган Хитой компаниялари сони тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Хитой компаниялари иштирокида ишлаб чиқилган 150 дан ортиқ янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этиш босқичида. Ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши — камбағалликни қисқартиришдир. Бу йўналишда республика ҳукумати Хитой Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлиги билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Шубҳасиз, форум тарихий воқеага айланди ва иштирокчи давлатлар учун иқтисодий ўсиш стратегияларини амалга ошириш ҳамда ўзаро мулоқотни ривожлантиришда янги имкониятлар очади. Давлатимиз раҳбарининг мазкур форумдаги иштироки икки ва кўп томонлама шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уни мамлакатлар ва минтақалар фаровонлиги йўлида янги амалий ташаббус ва мақсадлар билан тўлдиршига хизмат қилади.

«Дунё» АА.



## «Бир макон, бир йўл»: ФОРУМ АРАФАСИДА

Пекинда “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасидаги халқаро ҳамкорликка бағишланган учинчи олий даражадаги форумга пухта тайёргарлик қўрилди.

### Хориждан хабар

Форум тадбирлари Хитой пойтахтида 17-18 октябрь кунлари бўлиб ўтади. Хабар қилинишича, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро форум тадбирларида иштирок этиш учун Пекин шаҳрига ташриф буюради. Давлатимиз раҳбари форум янги мажлисида нутқ сўзлайди ва бир қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиши.

140 дан ортиқ мамлакатлар делегациялари иштирок этиши кутилаётган тадбир арасида бутун шаҳар бўйлаб “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси рамзи тўширилган плакатлар осылган.

Форумни кенг микёсда ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Дастлабки маълумотларга кўра, унда қатнашиш учун 4 мингдан зиёд журналистлар рўйхатдан ўтган. Ўтган жумадан бошлаб Пекиндаги Олимпия шаҳарчасида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот маркази ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда мажлисини жонли эфирда кузатиб бориш имконини берувчи иш зонаси, теле ва радиостудиялар, брифинглар ўтказиш учун зал ва дам олиш худудлари мавжуд.

Хорижий журналистларни Хитой маданияти ва анъаналари билан яқиндан таништириш мақсадида улар учун кўرғазма павильони ҳам ташкил этилган.

Шунингдек, олий даражадаги форумнинг расмий сайти ҳам ишга тўширилган бўлиб, ахборот порталида тадбир билан боғлиқ янгиликлар хитой ва инглиз тилларида бериб борилмақда.

Руслан КЕНЖАЕВ. Пекин



### Олий Мажлис Сенатида

## ЯНГИ МАРКАЗ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА ЯҚИНДАН КЎМАКЛАШАДИ

Маълумки, янги тахрирдаги Конституциямизда ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашлар ваколатлари тақсимланган бўлиб, шу асосда маҳаллий давлат ҳокимиятининг янги модели жорий этилди. Айни чоғда маҳаллий вакиллик органларига ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш Сенатнинг мутлақ ваколати сифатида белгилаб қўйилган.

Маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини оширишга, норма ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришга кўмаклашиш, услубий қўллаб-қувватлаш, ушбу йўналишда тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йил 22 сентябрдаги қарори билан парламент юқори палатасида Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ташкил этилди.

Мазкур марказ “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида кўзда тутилган бўлиб, у бир қатор вазифаларни бажаради. Жумладан, унинг асосий йўналишларидан бири — маҳаллий Кенгашлар фаолиятини замон талабига мос олиб боришга ҳуқуқий ва услубий ёрдам беришдан иборатдир. Бунда маҳаллий Кенгашлар иши таҳлил қилинади, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича қисқа ва узок муддатли дастурлар ишлаб чиқилади, Кенгашлар регламентлари, доимий комиссиялар низомиларини тайёрлашга кўмаклашилади, шунингдек, Кенгаш котибиятлари фаолиятини ташкил этиш бўйича услубий кўмак кўрсатилади.

Уз навбатидида, мазкур янги тузилма маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий

тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланади. Шунингдек, марказ маҳаллий Кенгашлар ишини йўлга қўйишга ахборот-таҳлилий кўмаклашиш вазифасини амалга ошириш жараёнида улар фаолиятини доир хорижий тажрибани таҳлил қилиб боради ва тақлифлар ишлаб чиқади, Кенгашлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича конференция, давра суҳбатлари ва семинарлар уюштиради. Қолаверса, давлат ва маҳаллий бюджетнинг ижро этилишини ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги тизимий муаммоларни таҳлил қилади, маҳаллий Кенгашлар учун ушбу йўналишларда тавсиялар ишлаб чиқади.

«Халқ сўзи».

### Қонунчилик палатаси фракцияларида

## АМАЛИЙ ТАШАБУСЛАР МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Уларда дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштироки, унда Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича илгари сурган қатор ташаббусларнинг аҳамиятига кенг тўхталиб ўтилди ва бу бўйича фракциялар олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари ҳамда фракциялар фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.



Қонунчилик палатаси мажлисида иштирокчи фракцияларнинг йиғилиши.

### Иқтисодий барқарорлик ва аҳоли фаровонлиги учун

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, Ўзбекистон МДХ доирасида ўзаро манфаатларга ва тушунишга асосланган кўп қиррали муносабатлар янада оқсалишига салмоқли ҳисса қўймоқда. Саммит-Да Президентимиз долзарб, аниқ тақлифлар ва амалий ташаббусларни илгари суриб, МДХ доирасидаги шериклини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари юзасидан ўз нуктаи назарини баён қилди. Фракция аъзоларининг қайд этишича, давлатимиз раҳбарининг ушбу тарихий нукти қўйлаб эзгу мақсадларни қўзғалгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Саммит доирасида эришилган ахдлашувлар минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишига ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шундан сўнг депутатлар ЎзЛиДеп ва унинг фракциясининг ўтган даврдаги фаолиятини кўриб чиқдилар.

### Ўринли тақлифлар

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимизнинг МДХ Давлат раҳбарла-

ри кенгашининг навбатдаги мажлисидаги нутқининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, сўнги йилларда Президентимизнинг конструктив таъқи сиёсати туфайли нафақат Марказий Осиёда, балки МДХ доирасида ҳам мутлақо қулай сиёсий муҳит ва ишонч шаклланди. Мунтазам сиёсий алоқалар ва ўзаро ҳамкорлик ришталари мустаҳкамла-нинг, парламент алмашинувлари йўлга қўйилди, мулоқот ва шериклик учун турли платформалар ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари нутқида Ҳамдўстлик доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, таълим соҳасида, сайёҳлик алмашинуви ривожлантириш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилдики, уларнинг барчаси жуда муҳим ва долзарбдир.

— Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси Ҳамдўстлик мамлакатлари ва халқларини бирлаштиручи ташкилот сифатидаги аҳамиятини кўрсатди, — деди “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Абдураулов. — Шу маънода, ушбу саммитни мамлакатимиз манфаати нуктаи назаридан самарали ва муҳим бўлди, десак, муболаға эмас.

Йиғилишда, шунингдек, бир қатор депутатлар давлатимиз раҳбарининг ушбу тарихий нут-

қилотлар билан ҳамкорлиги самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда қўтарилган саволлар, турли тақлифлар юзасидан ташаббускорлардан атрофлича жавоблар олинди, қонун лойиҳаси маъқулланди.

### Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳаммага етказилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқибли, биринчи ўқишда қабул қилинган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибин янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш, сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш ва мақбуллаштириш ҳамда Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш нозарида тутуви ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Йиғилишда Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини худудларда бўладиган учрашувларда сайловчиларга батафсил етказиш, бу бўйича алоҳида тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг долзарблигидан келиб чиқиб, ЎзХДПнинг қўйи тузилмалари, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларидан ҳам

### Бюрократик тўсиқлар бартараф этилади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

— Қонун лойиҳаси билан давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, жумладан, диплом, лицензия, рұхсатнома, давлат божи, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар каби бир қатор қўшимча тасдиқловчи маълумотларни талаб этишни бекор қилиш назарда тутилмоқда, — деди Экологик партия фракцияси аъзоси Моҳири Хўжаева. — Шунингдек, лойиҳа билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга адвокатлик тузилмалари ҳамда боғдорчилик-узумчилик ширкатлари, матбуот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги кооперативларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божини БХМнинг бир баравари миқдорда белгилашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши тақлиф этиляпти.

Фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада тартибга солиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатганлик учун ундирилган тўлов миқдорларини камайитириш ва давлат хизматларини кўрсатишга хизмат қилиши қайд этилди ҳамда қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# Янги Ўзбекистон — яшил маконда бирга яшайлик!

## Ўзбекистон маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари билан бирга яшайлик! МУРОЖААТИ

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 октябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам маъруза масала бўйича бир қатор муҳим тақдирлар билдириб, устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, 25 октябрдан 1 декабрга қадар юртимизда “кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди.

Доимо она табият билан уйғун ва ҳамроҳ бўлиб, атроф-муҳит софлиги ва барқарорлигини сақлашга интилиб келадиган кўп миллатли халқимиз номидан биз Президентимизнинг ана шу ташаббусларидан руҳ олиб, барчангизни, бутун эл-юртимизни “Янги Ўзбекистон — яшил маконда бирга яшайлик!” деган олийжаноб гоёни кўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Доно халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган пурмаъно ҳикмат бор.

Шундай экан, миллий қадриятларимизга содиқ қолган ҳолда оилада фарзанд дунёга келганида унга атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғ-роғлар яратиш, иморатлар атрофини кўкаламзорлаштириш каби эзгу анъаналаримизга ҳамроҳанг тарзда ҳар бир хонадон томонидан 20 туп кўчат экиш ва ўстириш ташаббусини илгари сурашимиз.

Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тўй ва бошқа яхши кунларида ниҳол экишни анъанага айлантирсак, нима дейсизлар?! Бу гоёта савобли тадбир эмасми?

Қадрли маҳалла фаоллари, кўчабоши ва уйбошилар!

Айни вақтда, айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда бўш турган, дарахт экилмаган жойлар ҳам кўп. Эндиги вазифамиз ушбу жойларни боғ-роғларга айлантиришда маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, ҳудуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайтиришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада “маҳалла боғлари”ни яратишимиз, яшил ҳудудларни кўпайтиришимиз, шахсий намуна сифатида дастлаб ўз хонадонимиз ва кўчамизни обод қилишимиз, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига ўз ҳиссамизни қўшимиз зарур.

Экилган ҳар бир ниҳолни парваришлаш ва сақлашда маҳалла фаоллари, бошқарув-сервис компаниялари жонбозлик кўрсатиши лозим. Бунинг учун “маҳалла еттилиги”, кўчабоши ва уйбошилар ҳамда хонадон эгаларини масъул сифатида бириктириш мақсадга мувофиқдир.

Муҳтарам нурунийлар! Сизларнинг ҳаётий тажрибангиз, дуо ва тилақларингиз халқимиз учун ҳаммаша катта таънаб ва сунъч бўлиб келмоқда.

Юртимиздаги 3 миллиондан ортиқ нурунийлардан маҳаллаларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга

оширишда, аҳоли томонидан кўчатларни намунали экишни ташкиллаштиришда янада фаоллик ва ташаббус кутиб қоламиз. Сизларнинг шахсий намунангиз, панду насихат, тавсия ва кўрсатмаларингиз барчамиз учун муҳим.

Нурунийларимизнинг ҳар бири 1 тупдан кўчат экса, 3 миллиондан зиёд янги дарахтлар пайдо бўлади. Ёки ҳар бири ўз ёнига 10 нафар ёшани жалб қилса, бу рақам 10 баробарга ошади.

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, томорқа ер эгалари!

Ерга меҳр бериш, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш, кўчат экиб, боғ яратишда сизларнинг улушингиз катта. Биргина кўчат етиштириш бўйича тўхталадиган бўлсак, мамлакатимизда бир ярим минг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан 81 миллиондан зиёд тўт, тоқ, тоқ, ёнғоқ ва бошқа ниҳоллар парваришланмоқда.

Бу савобли ишларни давом эттириш учун ҳар бир хонадон эгаси ўз томорқасига, маҳалла гузары ва кўчасига 10 тупдан кўчат экса, юртимиз бўйлаб ўртача 55 миллион дарахт бунёд бўлади.

Фермерларимиз “Бир дала — бир махсулот” тамойили асосида ўз ҳудудига тўт, тоқ, терак ва бошқа кўчатларни экса, ҳар бир қарич еримиз боғ-роғларга айланади.

Қадрли зиёлилар, фан, адабиёт, санъат намояндалари ва спортчилар!

Жонажон Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган ташаббусларни кўллаб-қувватлашда сизларнинг фаол иштирокингиз муҳимдир.

Сиз каби эл таниган ижод аҳлига, зиёлилар ҳамда спорт юлдузларига юртимиз ёшлари ўзгача ҳавас билан қарайди.

Шундай экан, юртимизда амалга оширилаётган кузги дарахт экиш мавсумида сизлардан янги-янги ташаббуслар, амалий ҳаракатлар ҳамда шахсий намуна кутиб қоламиз!

Мўтабар оналар, азиз опа-сингиллар! Хонадонимиз, маҳалламиз файзу таровати сиз билан гўзалдир!

Табият ҳам она каби муқаддасдир! Она ва табиат тушунчалари бир-бирига ҳамроҳандир. Онани қандай эъзозласак, табиятни ҳам шундай қадрлашни фарзандларимиз онгу шуурига чуқур сингдирайлик!

Токи, зурриёдларимиз опа-боболаримиз сингари боғу бўстонлар яратувчиси, она табиат ҳимоячиси бўлсин! Шундагина табиатни асл ҳолидек сақлаб, уни келажак авлодга безавол етказишга эришамиз.

Айни вақтда, “Оналар — яшил макон учун” гоёсининг анъанага айланиб бораётгани, маҳаллаларда “Оналар боғи” ташкил этилаётгани қувонардир. Бу

ишларда 10 мингга яқин маҳаллалардаги “Оқила аёллар” ҳаракатининг ҳам муносиб ўрни бор. Галдаги вазифамиз — ушбу хайрли тадбирларни халқимиз орасида кенг ёйишдан иборат.

Азиз ёшлар!

Сизлар Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор кучисиз! Халқимиз кўзлаётган юксак марраларга эришишда ақл-заковатингиз, ғайрат-шижоатингиз, она Ватанга бўлган садоқатингиз бекиёсдир.

Она заминимизга меҳр беринг! Нури келажак учун бугундан бошлаб ўз хонадонингиз, кўчангиз, маҳаллангизда ниҳолнингизни экинг, ҳудудда “Ёшлар боғи”ни ташкил этишда ташаббус кўрсатинг!

Асло унутманг, сиз Ўзбекистон фарзандисиз, сизнинг ҳиссангиз — бу ота-онангиз, маҳаллангиз ва бутун халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қиладиган.

Қадрли юртдошлар!

Дарахт экиш ва уни парваришлашни мажбурият эмас, қадрият сифатида қабул қилайлик!

Ҳар биримиз келажак авлод олдидаги бурчимизни чуқур ҳис қилган ҳолда “Яшил макон” лойиҳасини умумхалқ миллий ҳаракатига айлантирайлик!

Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолсин!

## «ЯШИЛ МАКОН» — ОНА САЙЁРАМИЗНИНГ ҲАЁТИЙ МАНБАИ

Яқинда давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Оқтепа ва Богзор маҳаллаларига ташрифи чоғида жамоатчилик билан бирга кўчат экиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кузги дарахт экиш мавсумини бошлаб берди.

### Умуммиллий ҳаракат

Бу йўналишдаги ишларга Навоий вилоятида ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Маълумотларга қўра, навоийликлар жорий йил баҳор мавсумида 8 млн. 924 минг туп дарахт ва бута кўчати экишган эди. Мазкур хайрли ишлар кузги мавсумида ҳам давом эттирилиб, вилоят бўйича 5 млн. 973 минг туп дарахт ҳамда бута кўчати экиш режалаштирилган.

Айни пайтда автомобиль ва темир йўл ёқалари, кластер ҳамда фермер хўжалиқларининг экин ерлари, дала четлари, ўрмон фонди ерлари, иқтимоий соҳа объеклари, хизмат кўрсатиш ташкилотлари,

йирик sanoat корхоналари ҳудудларида экин майдонлари ҳозирланиб, долзарб ойлик олдидан 3,4 млрд. сўм маҳаллий бюджет маблағлари эвазига 12 донна сув чиқариш қудуғи ҳамда 16 км. суғориш тизими ташкил этилди.

— Экиладиган кўчат турлари вилоятнинг иқлим шароити ва Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида сувсизлик ва касалликларга чидамли (гужум, қайрағоч, катальпа, ақация, заранг, шумтол, тўт, жийда, ёнғоқ, терак) дарахтлари танлаб олинди, — дейди вилоят ҳокимлигининг шўбба мудир Азиз Отақулов. —



Шу асосда ўрмон хўжаликлари, кўчатчилик йўналишидаги фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли томорқалари ҳамда тадбиркорлик субъектлари, академик М. Мирза-

ев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Навоий вилояти филиали билан 6 миллион донна кўчат учун шартнома тузилган. Шунингдек, вилоятдаги йирик sanoat корхоналари атрофида экологик муҳитни яхшилаш учун 204,2 гектар ер майдонида 186,2 минг туп кўчат экилиб, “яшил белбоғлар” барпо қилиниши кўзда тутилган.

Долзарб ойликда вилоят бўйича экиш тадбирларига иштирокчилар ва тажрибали агроном-муҳаассислар ҳам бир туман (шаҳар)га сарфарб этилади. Экиш мавсуми тугаши билан қадалган кўчатларни сақлаш ҳамда парваришлаш ишлари амалга оширилади.

Вилоят экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси масъул ходими Зубайда Душанованинг айтишича, ўтган йил кўча ва жорий йил баҳор мавсумида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган

кўчатларнинг қуриб, нобуд бўлишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли равишда маъмурий чоралар қўлланилган.

— Ҳар бир яшиллик, хусусан, “Яшил макон” она сайёрамизнинг ҳаётий манбаи, — дейди меҳнат фахрийси Сунон Қулмонов. — Шунинг учун нафақат мавжуд яшил оламни сақлаш, балки уларни кўпайтиришимиз керак. Бу атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш учун жуда зарур. Шундай экан, масалага она табиятга келажак авлод олдидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашимизни шарт.

Вилоятнинг Нурота туманида дастлаб берилган хайрли тадбир халқимизнинг қадимий анъаналари ҳамда урф-одатларига биноан, нуруний отахонлар дуоси билан бошланди, яхши ниятларнинг ижобати, хайр-барока сўралди.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

### Биеннале

## МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРНИ АСРАШ ВА ТАНЛАШ ИМКНИ

Пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган IV Тошкент халқаро амалий санъат биенналесини бошланди.

Маълумки, Ўзбекистон Бадий академияси халқимизни юксак санъат намуналаридан баҳраманд этиш учун турли ижодий лойиҳалар, тасвирий ва амалий санъат ҳафталиклари, халқаро кўргазмалар ва биенналелари муваффақиятли ўтказиб келмоқда.

Пойтахтимизда тўртинчи бор уюштирилган мазкур амалий санъат байрамининг бу йилги мавзуси “Глобаллашув ва миллий анъаналарни асраш: танлаш имконияти” деб аталади. Анжуманда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ҳамда Ўзбекистондан 100 дан зиёд амалий санъат усталари беш кун давомида ўз ижод маҳсулларини намойиш этади.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар зали, Иқоу Хирямма халқаро маданият қарвонсаройи, Тошкент фотосуратлар уйи, Камолитдин Беход номидаги Шарқ мини-атюра санъати музейи ҳамда Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида замонавий ўзбек ва хориж безак санъати, миллий кулчилик, зардушлик, ўймакорлик, заргарлик асарлари кўргазмалари, маҳорат дарслари, тақдиротлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Бугунги кундаги шиддатли глобаллашув жараёни фақатгина одамларнинг онгу тафаккури, турмуш тарзига эмас, балки

миллий санъатига ҳам ўз таъсирини ўтказаяпти. Шунинг учун биенналенинг мақсади иқтисодий тез суръатлар билан глобаллашиб, “оммавий маданият” ҳаётда тобора кенгайиб бораётган ҳозирги даврда амалий санъатнинг ўзига хослигини асраб қолиш ва анъаналар умумийлашиб боришини бартаф қилишни илгари суришдан иборат бўлиб, бу анжуманининг асосий гоёсини ифода қилади.

Шунингдек, биеннале миллий анъаналарни асраб-авайлаш, замонавий амалий санъат намуналарини халқимиз ва жаҳон ҳам-да рўй бераётган долзарб жараёнларни ўрганиш орқали турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган.

Муҳтасар айтганда, Тошкент халқаро амалий санъат биенналесининг асосий мақсади иқтисодий ўрнини юксалтиришга хизмат қиладиган тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадий академияси, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари, қатор вазирлик ва идоралар мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).

## АНИҚ МАҚСАД ВА ҚАТЪИЯТ МЕВАСИ

Бундан саккиз йил муқаддам турмуш ўртоғи вафот этган, уч нафар ёш фарзанди билан ёлғиз қолган ва турли қийинчиликларга дуч келган Хуршида Эгамбердиева бугун ҳаётнинг равон йўлига тушиб олди. Яқингача кунбайми, мавсумини, қандай бўлмасин, рўзгор учун пул топиш илмигача меҳнат қилиб юрган аёл энди ўқув маркази раҳбари. Уни бу даражага етказган, аввало, ўзидаги мақсад сари қатъиятлилик ва албатта, рўзгор ташвишларидан ортиб Ёшлар ишлари агентлигининг “Ибрат фарзандлари” лойиҳасида фаол иштирок этгани бўлди.

### Орамиздаги одамлар

Боёвут туманининг Сармиш маҳалласида яшаётган Хуршида Эгамбердиева айни лойиҳа туфайли инглиз тили бўйича билимини мукаммаллаштириб, бошқаларга ҳам ўргатиш лаёқатига эга бўлди. Натижада ўз маҳалласидаги болалар учун ўқув маркази ташкил этди. Ташаббуси кўпчилигининг эътиборига тушди.

— Ростини, интилишимиз, натижаларимиз яхшироқ, ўқув шароитимиз оддий, уни яхшилашга ҳали молиявий кўрибмиш этмай турган эди, — дейди Хуршида Эгамбердиева. — Ишларимдан хабар топган вилоят ҳокими яқинда хонадонимизга келиб, фаолиятимиз ва шароитларимиз билан танишди. Орадан ҳеч қанча вақт

ўтмай, вилоят ҳокимлигининг мадади билан хонадонимиздаги қурилиш ишларини амалга ошириш мақсади билан қўрилган маҳалладаги биномиз мукамал таъмирланиб, ўқув маркази айлантирилди. Бугун бу ерда биринчи дарс машғулотлари бўлиб ўтди. Унинг очилишида иштирок этган вилоят ҳокими “Ёшлар улғайиб қайси касбини эгаллашасин, чет тилидан маълум кўникмаларга эга бўлишлари зарур. Дизайнер, сервис ходими, сотувчи ёки кичик бизнес эгаси бўладими — ҳар қандай соҳада кўп тилни билиш унинг юқори профессионал мутахассис бўлиш борасидаги мақсадларига эришишида муҳим ўрин тутаети. Бу ташаббус шу ҳудуддаги ёшларнинг айни мақсадларига етишига, яъни инглиз ва бошқа тилларни ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантиришга хизмат қиладиган, деб менга катта ишонч билдирди.

Вилоят ҳокимлиги ўқув маркази биносини қуриб қўриб берган бўлса, Ёшлар ишлари агентлиги уни компьютер жамламаларидан тортиб,

телевизорлару пардасигача тўқис-туғал жижизлаб берди. Натижада аввало бу ерда 40 нафарга яқин болаларга инглиз тили ўргатилган бўлса, энди замонавий ўқув марказига айлантирилган масканда 230 нафар ўқувчи сабоқ олмақда.

Эътиборлиси, инглиз тилидан ташқари немис ва корей тиллари, шунингдек, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги ўқувчилар қаторида марказда 3 ёшдан юқори жашга болалар ҳам ўқитиляётгани таъжибга лойиқ.

Эътибор эътиш лозимки, Хуршида Эгамбердиева ўз фарзандлари чуқур билим олиши учун оиласида ўрнатган тартибни ҳам ибратли. Унинг айтишича, оиласида ўқилган китобларнинг ҳисоби юритилар экан. Ушбу рўйхатга ҳар бир китобдан керакли иқтибослар, маълумотлар ҳам ёзиб қўрилади. Оила аъзоларининг бугунгача ўқиган адабиётлари сони 2000 тадан ошадими.

Шу билан бирга, оила китобхоналар танловида ҳам фаол иштирок этиб келаяпти. Хуршида Эгамбердиеванинг “Фарзандларим учун” деб номланган дафтариди уларнинг билим ва дунёқарашини оширишга хизмат қиладиган кўплаб маълумотлар бор.

Ҳозиргача у тўлдирган бундай дафтарлар миқдори 80 та. Яна бир муҳим жиҳат — оила аъзоларининг қатъий кун тартиби бор. Албатта, ушбу режанинг асосий бандлари ўқиш-ўрганиш билан боғлиқ вазифалардан иборат.

Айни пайтда Хуршида Эгамбердиеванинг хонадониди очилган замонавий ўқув маркази фаолияти ҳам намунали иш режаси асосида олиб борилади.

Аҳмадвали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

### Изланиш

## ЗАМОНАВИЙ ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларга турли имтиёзлар бериш орқали улар фаолиятини кўллаб-қувватлашга юртимизда катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, тадбиркор бойиса, ривожланса, яна янги-янги ташаббусларни амалга оширадиган, пировард натижада қўшимча иш ўринлари яратилади, худудларда ишлаб чиқариш салмоғи ортади, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади.



Буни Қарши туманида фаолият юритаётган “Турди-Муаззам сервис” оилавий корхонаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур корхона раҳбари Аҳмад Эгамбердиев бундан ўн йил аввал, ҳали олийғоҳда ўқиб юрган вақтида ўз уйида кичик чех ташкил қилиб, қурилишда фойдаланиладиган ганчкорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлаган. Дастлаб чехда ўзи ва оила аъзолари ишлаган бўлса, аста-секин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ҳам, ишчилар сони ҳам ўсиб борди.

Айни пайтда “Турди-Муаззам сервис” оилавий корхонаси замонавий иситиш қозонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу фаолият ортидан эса худуддаги 70 нафар фуқаронинг иш билан бандлиги таъминланди.

— Иситиш қозонлари ясашни икки йил аввал бошлаган эдик, — дейди

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати девони масъул ходим Раъно Рузमतовага падари бузруквори

АБДУВОИД отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони жамоаси Моддий-техника таъминоти бўлими Матбаа ишлари гуруҳининг раҳбари М. Маққамовга падари бузруквори

Мансур МАҲҚАМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. Газетанинг ҳақиқатли маълумотларини текшириш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибасма 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55. МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.28 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6